

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 24 июль • № 29 (648)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

БУЙРУҒИ

2009 йил 15 июль

№ 217

Тошкент шаҳри

Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасининг Низомини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналар ишини яхшилаш ҳамда дорихонада дори тайёрлашни тартибга солиш ва назоратини кучайтириш мақсадида

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Даволаш-профилактика муассасаси дорихонасининг Низоми (иловага мувофиқ).

Б У Ю Р А М А Н

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, республика тасарруфидagi даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига:

1.1. Барча даволаш-профилактика муассасалари дорихоналарининг иши ушбу буйруқ билан тасдиқланган Низом асосида ташкил этилсин ва унга риоя қилиниши устидан доимий назорат ўрнатилсин.

1.2. Дорихона ташкил қилинмаган даволаш-профилактика муассасаларида тиббиёт амалиётида қўлланиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларни фармацевтик фаолият билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслардан харид қилиниши таъкидлаб ўтилсин.

2. Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлиғи (С. С. Сайдалиев)га барча даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналарида санитария ҳолатларига риоя қилинаётганлиги устидан доимий назорат қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 20 июлдаги 319-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари М. Х. Ходжибековга юклатилсин.

Вазир

А. И. ИКРАМОВ.

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 15 июлдаги 217-сонли буйруғи билан тасдиқланган

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИ ДОРИХОНАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасасининг дорихонаси тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низомнинг талаблари даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари (кейинчалик "Дорихона" деб юритилади) учун тааллуқлидир.

3. Дорихона даволаш-профилактика муассасасининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва бошқа бўлимлар билан тенг ҳуқуқли. Дорихона бевосита шифохонанинг бош шифокорига бўйсунди.

4. Дорихона Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари асосида даволаш-профилактика муассасасининг бўлимларини Ўзбекистон Республикасида Давлат реестрида рўйхатга олинган дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари, санитария ва гигиена ашёлари ва дезинфекция воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18-ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу текис ва равон йўллар келажаги буюк давлатимизни нурли манзилларга етказди.

Қарор ва ижро

ФАОЛИЯТДАГИ ИЗЧИЛЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида тиббиёт ислохотлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, даволаш-профилактика тadbирларини ўтказиш доирасида олиб борилаётган соғлом турмуш тарзи тарғиботи, оммавий эмлаш ва тиббий кўрик масалалари

йилдан-йилга такомиллашиб, аҳолининг барча қатлами кенг камраб олмақда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарори мазкур жараёнда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Хабарингиз бор, Қарор ижросини таъминлаш мақсадида республикадаги илмий-амалий тиббиёт, ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари, етук олимлар ва тажрибали мутахассислардан иборат гуруҳ республикамиздаги қишлоқ врачлик пунктлари ва бир қанча тиббиёт муассасаларида бўлиб, у ердаги тиббиёт ходимларига амалий ёрдам бериб келмоқда. Шу билан бирга, пойтахтимиздаги кўпгина оилавий поликлиникалар томонидан мазкур йўналишда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, уларни ўз вақтида эмлаш ва тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича зарурий дастурлар ишлаб чиқилиб, фаолиятлар изчиллик билан олиб боришмоқда. Ана шундай тadbирлардан бири шахримиздаги Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси кўптармоқли марказий поликлиникасида ҳам ташкил этилди.

– Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини



муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг махсус фармоишлари ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 13 июлидан 18

июлигача Ватан ҳимоячилари оила аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича «Диспансеризация ҳафталиги» ташкил этилди, – дейди Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси кўптармоқли марказий поликлиника бош шифокори ўринбосари Лола Саиджонова.

(Давоми 7-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

1-илова
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2009 йил 15 июлдаги 217-сонли буйруғи билан тасдиқланган

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИ ДОРИХОНАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

6. Дориҳона Тошкент Фармацевтика институтининг талабалари, тиббиёт коллежларининг фармацевтика йўналишидаги ўқувчилари учун ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш мискани бўлиб хизмат қилади.

7. Дориҳонага кириш эшиги олдида осилган пешлавахда унинг номи ва даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан белгиланган иш тартиби акс эттирилади.

8. Дориҳонада иш ўринлар сони ва уларнинг иш ҳақлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда бажариладиган иш ҳажми асосида даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан белгиланади.

9. Дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиб олиш муассасасининг Доимий фаолият хайъати баённомаси ҳамда рақобат варақалари асосида харид қилинади ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш, сақлаш, бўлимларга бериш ва улардан фойдаланиш амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида Дориҳона томонидан олиб борилади.

10. Микдорий ҳисобда турувчи дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботи белгиланган тартибда махсус журналларда расмийлаштирилади.

11. Дориҳонанинги дори воситалари тайёрлаш хоналарига ва омборхоналарга бегона шахслар кириши тақиқланади.

12. Дориҳонанинги мудир ва фармацевтик ходимларининг мутахассислиги бўйича малака оширилиши белгиланган тартибда ҳар 5 йилда ўтказилади.

13. Дориҳона ходимлари белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади.

14. Дориҳона хоналари амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига мос келиши ҳамда дори воситалари фармацевтика соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар асосида сақланиши таъминланиши зарур.

15. Дориҳона ёнгиндан хабар берувчи ва кўриқлаш мосламалари билан жиҳозланади.

16. Дориҳона электр тармоғига, генератор, сув иситиш мосламаси ва ичимлик суви, канализация, иситиш, хаво алмаштириш ва алоқа тизимига эга бўлиши лозимдир.

17. Дори тайёрлаш хоналари технологик жараёни ҳисобга олган ҳолда узвий кетма-кет боғланган бўлиши керак. Дори воситаларини тайёрлаш хоналари ва иш ўринларида чекиш, оқватланиш, шахсий ва ишга керакли бўлган буюмларни сақлаш рухсат этилмайди.

18. Дориҳонада дори воситаларини тайёрлаш хоналари ички деворларининг сиртки қисми ва шифтлари текис бўлиб, улар чангдан тозаланганда дезинфекцияловчи ва ювиш воситалари билан ҳўллаб тозалашга чидамли бўлиши зарур.

19. Дориҳонада дори тайёрлаш хоналари, етарли микдорда жиҳозлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 4 октябрдаги "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидagi даволаш-профилактика муассасалари дориҳоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида"ги 444-сонли буйруғи-

нинг иловасида келтирилган тегишли аппаратуралар, асбоб-ускуналар, шунингдек, ўлчов асбоблари, тош-тарозилар, кимёвий реактивлар ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланади. Мебелларнинг устки қисми текис ҳамда дори воситалари ва кимёвий моддалар таъсирига чидамли бўлиши белгиланади.

20. Дориҳонада ишлатиладиган ўлчов асбоблари, тош-тарозилар, рефрактометр, автоклав монометри "Ўзстандарт" агентлигидан белгиланган тартибда метрология қиёслаш кўригидан ўтказилади.

21. Гиёҳванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган хона Адлия вазирлигида 2001 йил 11 июнда рўйхатга олинган 1048-сонли тартиб талабларига асосан жиҳозланади.

22. Заҳарли дори воситалари сақланадиган хона Адлия вазирлигида 1999 йил 2 апрелда рўйхатга олинган 690-сонли тартиб талабларига асосан жиҳозланади.

23. Дори воситалари сақланадиган хона кондиционер, совутгич билан таъминланади ҳамда хонага ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчаш асбоблари (термометр, гигрометр ва психрометр) ўрнатилади. Ушбу ўлчов асбоблари полдан 1,5-1,7 метр баландликда, кириш эшиклари ва иситиш асбобларидан камиди 3 метр масофада ўрнатилади ва кундалик кўрсаткичлар махсус дафтарда қайд этиб борилади. Дафтар тўлгандан сўнг бир йил сақланади.

24. Дориҳонани тозалаш учун ишлатиладиган асбоб-анжомлар, дезинфекциялаш ва ювиш воситалари алоҳида хонада ёки алоҳида ажратилган шкафада сақланади.

25. Дориҳонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун дориҳона ходимлари махсус ва санитария кийимлари билан таъминланади.

II. Дориҳонанинги иш фаолияти, хуқуқлари ва вазифалари

26. Дориҳона ишини бошқаришни олий фармацевтика маълумотига эга бўлган (фармация, фармациянинг касбий таълим ва клиник фармация йўналишлари бўйича) ва мутахассислиги бўйича камиди 3 йил мунтазам соҳаси бўйича ишлаган малакали мутахассисга рухсат этилади.

27. Дориҳона мудирини бевосита, дориҳона ходимлари эса дориҳона мудирининг тавсияномаси асосида муассасаси раҳбари томонидан ишга қабул қилинади ва ишдан бўшатилади.

28. Даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ва дориҳона мудирини ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

29. Дориҳона мудирини дориҳона ишини меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиди ва унинг фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.

30. Ўз касби бўйича уч йилдан кўп ишлаган фармацевтика ходимларининг фақат тегишли ўқув юртиларида ўрнатилган тартибда малака оширгандан кейин дориҳонада фаолият кўрсатишга рухсат этилади.

31. Фармацевтика соҳасида тулгалланмаган олий маълумоти бўлган шахсларнинг бу соҳада ўрта маълумоти бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда фарма-

цевтика фаолияти билан шугўлланганига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда йўл қўйилади.

32. Даволаш-профилактика муассасаси раҳбари дориҳона ходимларига қонунчилик билан қафолатланган меҳнат шартонлари ва ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаб бериши керак.

33. Дориҳонанинги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
- дори воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий фармацевтика корхоналарида мавжуд бўлган ва республикага чет эл давлатларида келтириладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг турлари ҳамда рақобат нархлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш ва тақдирларни ўрганиш;

- ажратилган бюджет маблағлари ҳисобига дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва таъминотчилардан шартнома асосида "Асосий дори воситалари рўйхати"га асосан ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган муассаса формулярига кўра сотиб олишни Доимий фаолият хайъатига тасвир этиш;

- сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни белгиланган тартибда кириш қилиш ва уларни физик-кимёвий хоссаларига кўра мавжуд санитария қоидалари ва меъёрлари ҳамда фармация соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан сақлашни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш;

- Дориҳона шароитида тайёрланган дори турларининг сифатини белгиланган тартибда назорат қилиш;

- Дориҳонада тайёрланган стерил дори воситалари ҳар ойда бир марта шифохона бактериологик лабораториясида (шифохона таркибда бактериологик лаборатория бўлмаса, ДСЭНМ билан шартнома асосида) стерилизация мунтазам равишда текшириб борилади;

- Дориҳона шароитида тайёрланган ва қадоқланган дори турларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқ ва йўриқнома талаблари асосида ёрликлаш;

- даволаш муассасаси бўлиmlаридан дори воситалари ва тиббий буюмларга талабномалар қабул қилиш;

- даволаш-профилактика муассасаси бўлиmlари томонидан берилган талабномага асосан уларни тайёр дори турлари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари ҳамда беморларни парвартиш қилишда ишлатиладиган буюмлар, дезинфекция воситалари ва бошқа махсуслотлар ҳамда дориҳона шароитида ўрнатилган тартибда тайёрланганга дори воситалари билан таъминлаш;

- даволаш-профилактика муассасаси бўлиmlарида дори воситалари ва тиббий буюмларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида кириш-чиқим қилиш, сақлашни, ишлатилишни назорат қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш учун раҳбариятга маълумот бериш;

- тиббиёт ходимларига мунтазам равишда фармацевтика ангиликлари ва дориҳонага келтирилган янги дори воситалари ҳақида маълумот бериш;

- даволаш-профилактика муассасасининг эҳтиёжига кўра дори воситалари ва тиббий буюмлар захирасини белгиланган меъёрлар асосида доимий равишда тўлдириб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларида белгиланган тартибда ва етарли микдорда зардоблар ҳамда вакциналар захирасини (даволаш-профилактика муассасалари дориҳоналари учун) ташкил этиш;

- Дориҳонага сотиб олинган ҳамда ваколатли ташкилот томонидан берилган мувофиқлик сертификатли бўлмаган ва талаб даражасида тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳужжатлар асосида дори воситалари ва тиббий буюмларни қабул қилишни тақиқлаш;

- юқори босимли асбоб-ускуналар билан ишловчи ходимлар махсус тайёрлов курсида ўқитиш ва ишлаш ҳуқуқини берадиган гувоҳномага эга бўлишини таъминлаш;

- иш жойларида техника хавфсизлиги қоидалари ва юқори босимли асбоб-ускуналар билан ишлаш тўғрисидаги қўлланма ва йўриқномалар осиб қўйилишини таъминлаш;

III. Дори воситалари ва тиббий буюмларни даволаш муассасалари бўлиmlарига бериш ва ҳисобини юритиш

34. Дориҳонадан даволаш муассасаси бўлиmlарига дори воситалари ва тиббий буюмлар талабномалар асосида моддий жавобгар ходим орқали берилади.

35. Талабнома икки нусхада тўлдирилади, биттаси дориҳона ҳисоботи учун қолдирилади, иккинчиси бўлиmlга дори воситалари ва тиббий буюмлар билан бирга қайтариб берилади.

36. Бўлиmlлар томонидан тақдим этилган барча талабномаларга даволаш муассасасининг муҳри босилади, бўлиml бошлиғи, катта ҳамшира ва дориҳона мудирини дори воситаси берганлиги ҳақида имзо қўяди ва масъул раҳбар томонидан тасдиқланади.

37. Талабномада дори воситасининг номи, тури, дозаси, ўлчов бирлиги, сўралган микдор кўрсатилади. Алоҳида бемор учун ёзилган талабномада эса, қўшимча қилиб беморнинг исми, фамилияси ва касаллик варақасининг рақами кўрсатилади. Пуллик хизмати бор даволаш-профилактика муассасаларида жами микдори сўм кўринишида кўрсатилади.

38. Даволаш-профилактика муассасасига муруват ёрдами сифатида барча келтирилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қабули ўрнатилган тартибда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 16 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида муруват ёрдами ва техник кўмак сифатида келган юқлар ҳисобини олиб бориш ҳамда уларни мақсадли ишлатилишининг назоратини мувофиқлаштириш Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги 41-сонли ҳамда 2009 йил 26 январдаги "Марказлашган ҳолда сотиб олинган дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш, тақсимлаш, ҳисобга олиш ва мақсадли ишлатилишини назорат

қилиш тартиби тўғрисида"ги 19-сонли буйруқлари асосида расмийлаштирилади.

39. Даволаш-профилактика муассасаларида барча дори воситалари ва тиббий буюмларни беморларга бериш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 18 февралда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 639-сонли тартиб билан белгиланади.

40. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, шунингдек, тиббиёт этил спирти учун алоҳида (икки нусхада) талабнома ёзилади.

41. Гиёҳвандлик воситалари махсус талабнома асосида психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўлиmlарига бериш, ҳисобини юритиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 28 ноябрдаги 527-сонли буйруғи (2001 йил 29 декабрда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган 1090-сонли тартиб)нинг тегишли бандлари талабларига биноан ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда 2009 йил 23 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикасидаги гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни муомаласи билан боғлиқ фаолияти учун ҳисоботлар юритиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 6-сонли қарорини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги буйруғи асосида олиб борилади.

42. Этил спиртини сақлаш ва ҳисобини олиб бориш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (1999 йил 26 июлдаги 462-сонли) буйруғи талабларига биноан ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

43. Тендер асосида марказлашган ҳолда сотиб олинган ва муруват йўли ҳамда техник кўмак асосида келтирилган, клиник синовларга мўлжалланган ва сотиб олинган дори воситалари, боғлов материаллари, ёрдамчи воситалар, идишлар, тиббий буюмлар ва асбоблар дориҳонада ҳисобга олинди ва бухгалтерияда тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади.

44. Дориҳонада товар-моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисоби тегишли бланклар бўйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида олиб борилади.

45. Дориҳонада барча товар-моддий бойликлар кириши ва қолдининг ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигида юритилади.

IV. Жавобгарлик

46. Дориҳона муассасаси томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларга тузилган эҳтиёжнинг ўрганиш ва таъминлаш.

47. Дориҳона стерил дори воситаларини талабномалар асосида сифатли тайёрлаш ва бўлиmlарга ўз вақтида тарқатишга масъулдир.

48. Дориҳона ўз фаолиятида дори воситалари ва тиббий буюмларни юридик муассасалардан сифат сертификатига эга бўлганларини олиб келиш, ўрнатилган тартибда сақлаш ҳамда ҳисоб-ҳисоботни талаб даражасида расмийлаштириши керак.

49. Низомга ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларга амал қилишга масъулдир.




Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Альянси

2009 й.
№ 7

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщины и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



Ислоҳот ва жараён

МУҲИМИ: БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ

Республика соғлиқни сақлаш тизимида инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига бўлган эътибор соҳа мутахассиси катта масъулият билан ишлашни тақозо этмоқда. Тиббиёт тизими кенг қамровли бўлиб, ҳар бир йўналишнинг ўзига хос масъулияти ва талаби борлигини таъкидлаш жоиз. Ислоҳот жараёнлари даврида тиббиёт муассасалари фаолиятида тезкорлик билан амалий ишлар ўз ифодасини топиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланмоқда. Жумладан, бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш бўлимида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи ўринда, замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг бунёд этилиши, янги турдаги тиббий асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар билан таъминланаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур мақсадлар доирасида асосий эътибор қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган аҳоли саломатли-

гига қаратилганлиги ҳам эзгу ва савобли ишлардан бири бўлиб, жараёнларнинг изчиллик билан олиб борилаётгани уларнинг тиббиёт ҳамда соғлиқлари ишонч ва эътиборни оширмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар давлат томонидан кафолатланган ҳолда бепул олиб борилади. Шундай экан, юқоридаги амалий ишларни янада чуқурлаштириш мақсадида Президент Қарорлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир қатор буйруқлари асосида ҚВПларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар бажариб келинмоқда. Ушбу амалдаги жараёнларга янада ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва Тошкент вилоятидаги қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган умумий амалиёт шифокорларининг фикрлари билан қизиқдик.



Хамкорликдаги ҳар қандай фикр касбий маҳоратнинг ошишига муҳим замин яратиши шубҳасиздир.



Назарий ва амалий билимлар муҳассамлиги фақатгина фаолиятда ўз ифодасини топа олади.

Абдуқасим ФОЗИЛОВ,
Тошкент врачлар
малакасини ошириш
институти умумий амалиёт
врачларини тайёрлаш
кафедраси профессори:

– Ҳақиқатан ҳам тиббиёт фани чуқур моҳиятга эга бўлиб, ҳар бир мутахассисдан изланишни талаб этади. Бунинг учун, албатта, тиббиёт ходими кунлик билиминини тўлдириб бориши зарур. Шунингдек, дунёқараши кенг бўлмоғи лозим. Мамнулик билан айтиш жоизки, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиб келаётганлигини соҳа тараққиёти ривожига ҳам кўриш мумкин. Айниқса, тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш учун кенг қўлайликлар яратилиб, тиббиёт муассасаларига замонавий турдаги технологиялар жалб қилинди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза-лаш ва касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш бора-сида жаҳон тажрибалари амалда қўлланилиб, илмий салоҳиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган давлат дастурлари, мақсадли лойиҳаларнинг амалдаги фаолияти инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида, мутахассисларнинг узлуксиз таълим олишларига кенг йўл очиб бермоқда. Хусусан, бирламчи тиббиёт тизимидаги фаолиятларни янада изчил давом эттириш, тўғри ташхил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари соҳа мутахассисларининг асосий вазифаларига айланиб бормоқда. Бу жараёнда республика тиббиёт ходимларининг касбий малакасини оширишда Тошкент врачлар малакасини ошириш инсти-

туту етакчи билим даргоҳларидан ҳисобланади. Шу жумладан, институт таркибидаги умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедрасида қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тор доирадаги врачлар ўқитилиб, УАШ мақомига эга бўлишмоқда. Шунингдек, «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида ташхил этилган 10 ойлик ўқув курси ҳам уларнинг касбий маҳорати бойиши ва тажриба қўлини кенгайтиришида муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда ҚВПлар фаолиятини тубдан ўзгартириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатор буйруқлари иш-лаб чиқилди. Аниқ чора-тадбирлар режаси белгиланди. Қўзланган мақсадларни амалга ошириш учун соғлом оилани шакллантириш ҳамда соғлом авлодни вояга етказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказиш, фертил ёшидаги аёллар, ўсмир ва болалар соғлигини тиклаш учун бирламчи бўғинда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига амалий ёрдам бериш мақсадида республикадаги илмий-амалий тиббиёт, ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлири про-

фессор-ўқитувчилари, етук олимлар ва тажрибали мутахассислар жалб қилинди. Шу жумладан, институтимиз профессор-ўқитувчилари Тошкент вилоятининг бирламчи бўғинида, яъни қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларига зарурий ва амалий ёрдамларини бериб келмоқдалар. Мазкур қишлоқ врачлик пунктларидаги иш жараёнларини белгиланган мутахассислар кўздан кечириш давомида кўплаб врачлар қулоқ, бурун, томоқ ва кўз хасталикларини, шунингдек, ЭКГга тушириш ва таҳлил қилиш соҳалари бўйича малака ошириш курсларида ўқиш истаклари борлигини билдиришди. Ушбу масала бўйича институт ректори, профессор Ж. Собировнинг руҳсати билан таътил даври бўлса-да, қишлоқ врачлик пунктларидаги врачлар ўқув курсларини ташкил этдик. Бундан ташқари, айни кунда айрим қишлоқ врачлик пунктларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ва барча мутахассислар иштирокида кенг қўламли соғломлаштириш-профилактика ишлари олиб боришмоқда.


Оқоридаги фикрлардан ҳулоса қиладиган бўлсак, тизимда давом этиб келган самарали фаолиятларни янада жадаллаштириб, халқимиз саломатлиги йўлида эзгу ишларни амалга ошириб, жамият тараққиётининг юксалишида барчамиз бирдек масъул бўлиб, астойдил хизмат қилишимиз зарур, деб биламан.

Урозмат ЖУМАТОВ,
Тошкент врачлар
малакасини ошириш
институти 1-стоматология
кафедраси профессори:

– Институтимизнинг режасига асосан Тошкент вилояти, Қўйичиқ туманининг «Ўзбекистон беш йиллиги» қишлоқ врачлик пункти ходимлари ва аҳолисида амалий ёрдам бериш учун бириктирилдим. Билим даргоҳимиз ректори Ж. Собиров билан илк бор ҚВП шароитларини ўрганиб чиқганимизда, муассасада қилиниши лозим бўлган ишлар кўзга ташланди ва уларнинг тақлифи билан фаолиятларни бошлаб юбордик. Ҳозирги кунда ташқи томони ва ўсти қисмидаги таъмирлаш ишлари Оққўрғон тумани «Дўстлик» қурилиш бригадаси томонидан олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, фаолиятдаги тиббиёт ходимларининг касбий кўникмаларини бойитиш, «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан берилган тиббий асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига биргаликда ёндашиб келмоқдам. Айрим жузъий камчиликлар (телефон, сув ва автоулов таъминоти) бўйича туман ҳокимлигига мурожаат этдик. Тез кунларда 8 нафар клиник ординаторларимиз ҳам ушбу жараёнда иштирок этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ўз ҳиссаларини қўшади-лар.

Демак, асосий мақсад – инсон саломатлигини сақлаш экан, хамкорликда ишлаб, бирламчи бўғин фаолиятини янада ривожлантиришдан иборат.



«Саломатлик - 2», «Аёллар ва болалар соғлиғини мустақамлаш»
ва «Уни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health - 2»
«Women and Child Health Development»
and «National Fertilization program» Projects
Проект «Дорова - 2»
«Развитие здоровья женщин и детей»
в «Национальной программе по фертилизации»

Узлуксиз таълим

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Назира МАМАТКУЛОВА,
Тошкент вилояти,
Куйичирчиқ тумани
«Узбекистон беш йиллиги»
қишлоқ врачлик пункти
мудир, умумий амалиёт
шифокори:

— Қишлоқ врачлик пунктимиз марказдан 20 километр узоқликда бўлиб, ҳудудимизда 7091 нафар аҳоли истиқомат қилади. Муассасамиз 2005 йилдан бошлаб «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасига киритилиб, улар то-

илмий-амалий тиббиёт марказлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олийгоҳларининг профессор-ўқитувчиларининг ишчи гуруҳларининг иш олиб бораётганлиги қишлоқ врачлик пунктларидаги жараёнларни янада шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Тошкент вилоятининг қишлоқ врачлик пунктларига Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари амалий ёрдам кўрсатаёт-

изки, юқоридаги қарор ижросини бажариш мақсадида репродуктив саломатлик ишларини фаоллик билан олиб бормоқдамиз. Ҳомиладор аёлларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш, болаларни эмлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Мана икки ҳафтадирки, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти умумий амалиёт врачлар тайёрлаш кафедрасида касбий малакамани оширмоқдамиз. Олган назарий ва амалий билимларини ходимларимиз билан ҳамкорликда амалиёт татбиқ этиб, аҳоли орасида учрайдиган камқонлик, бўқок, юрак қон-томир, ижтимоий ва мавсумий касалликларнинг олдини олишда таъриб ишларини кучайтирмоқдамиз.

Насиба ЖАМОЛҲОНОВА,
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани «Қоронкул» туман қишлоқ врачлик пункти мудир, умумий амалиёт шифокори:

— Ҳадемай мустақиллигимизнинг 18 йиллигини нишонлаймиз. Гўёки ушбу сана қисқа Ғурастдек, лекин бу давр ичида ҳар бир соҳада оламшумул ўзгаришлар бўлди десам, янглишмаган бўла-

тиббиётга бўлган ишончини орттириш каби масалалар уйғунлашиб, давр талаби асосида ишлар изчиллик билан олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ҳамда «Оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш» қўшма лойиҳаларининг ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлари аҳоли соғлигини муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. 2005 йилда «Қоронкул» қишлоқ врачлик пунктимиз 3-тилда бунёд этилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлади. «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури томонидан лаборатория жиҳозлари, ЭКГ, автоклав, дистеллятор, отоскоп, офтальмоскоп ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар берилди. Шунингдек, телефон, сув таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилган. Лекин айрим сабабларга кўра электрэнергия бўлмағи қишлоқ ҳолатлари кузатишда генератор мосламасидан фойдаланамиз.

Ҳудудимизда 4583 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга бир нафар врач, 9 нафар ҳамшира, 1 нафар лаборант тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Кўп йиллик тажрибам асосида айтоқчиманки, республикамиз қишлоқ врачлик пунктларида иш олиб бораётган врачларимиз малакасини бойитиш мақсадида узлуксиз таълим жараёнларининг ташкил этилганлиги ўз устимизда ишлаб, назарий ва амалий билимларимизни янада бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг исботи сифатида айтоқчиманки, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедрасида икки ҳафталик ўқув курсида тахсил олаётган. Ўқиб жараёнида тажрибали мутахассислар профессор А. Ғозилов ва М. Ибрагимовнинг замонавий

публика Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида бир ойлик ўқув курсида бўлиб, соҳа йўналишига оид билимларини бойитиб қайтган эдим. Олган билимларим мустақамлашиб, аҳоли орасида камқонлик ва лейкоз касалликларининг келиб чиқиш ҳолатлари ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича иш олиб бордим. Ва унинг натижасида ушбу касаллик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарди. Бундан ташқари, мурожаат қилиб келган беморлардаги касаллик белгилари аниқланиб, тўғри ташхис қўйишга эришилди.

Қундалик фаолиятимга қайтадиган бўлсам, ҳудудимизда 4583 нафар аҳоли бўлиб, улар билан ишлаш осон кечаётгани йўқ. Айниқса, мавсумий касалликлар бўйича ҳамшираларимиз доимий аҳоли орасида таъриб ва ташвиқот ишларини олиб борадилар. Муассасамизга иккита мактаб қарашли бўлиб, болаларни ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиб келмоқдамиз. Ҳаммамизга маълумки, 2009 йил 13 апрелда Президентимиз томонидан «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарор қабул қилиниб, мамлакатимизда она ва бола соғлиғига эътибор кучайтирилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктимизда репродуктив саломатлигини мустақамлаш мақсадида туғиш ёшидаги аёллар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга керакли тавсия ва маслаҳатлар бериб бормоқда. Патронаж ҳамширалар оилаларга чўқур кириб борган ҳолда, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда эмлаш жараёнларини ўз вақтида ўтказишнинг аҳамияти томонлари хусусида суҳбатлар олиб боришмоқда. Кейинги йилларда аҳоли орасида юқумли, ижтимоий, камқонлик, бўқок касалликларининг олдини олиш, керакли муолажаларни ўз вақтида ўтказиб бораётганлигимиз боис, хасталик кўрсаткичлари пасайишига эришилди.

Юқоридаги муваффақиятлар билан бир қаторда, муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Бундай муаммоларни биргаликда бартараф этиш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Институтнинг икки касалликлар кафедраси профессори Улугбек Қаймов врач ва ҳамшираларимизнинг касбий маҳоратларини янада чўқурлаштириш, аҳоли орасида таърибот ишларини кучайтириш масалаларига эътибор қаратиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, мустақиллик йилларидан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилиб, бу жараён узлуксиз давом этмоқда. Тиббиётнинг олий мақсади — инсон саломатлигига эришиш экан, соҳадаги изланишлар, янгиликлар ва илм-фан ютуқларини янада ривожлантириш учун давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз кераклигини давр тақозо этмоқда. Шундай экан, ҳар бир мутахассис ўз фаолияти давомида бурчи ва қасамдига виждонан биндашган ҳолда меҳнат қилсагина, қўзланган мақсадларга эришишимиз шубҳасиз.



Лабораторияда иш юритиш мутахассисдан билим ва таъриб, шунингдек, ҳушёрлик талаб этади.



Соғлом онадан соғлом фарзанднинг дунёга келиши жамият тараққиётининг муҳим пойдеворидир.

монидан лаборатория ускуналари, ЭКГ, автоклав, дистеллятор, отоскоп, офтальмоскоп ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ходимларимиз малакасини оширишга катта эътибор бериб келмоқдамиз. 2007-2008 йилларда «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида 10 ойлик ўқув курсида тахсил олиб қайтдим. Олган назарий ва амалий билимларим фаолиятимда ниятда қўл келмоқда. Чунки, дарсларимиз жаҳон стандартлари асосида олиб борилади. Шунингдек, лаборант ва ҳамшираларимиз ҳам ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Икки нафар ходимимиз эса жорий йилнинг сентябрь ойидан «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида 10 ойлик ўқув курсида ўқини бошлайди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида имконият даражасида шароитларни яратганмиз. Айни кунда 2009 йил 13 апрелда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарорини таъминлаш ҳамда ҚВПлар фаолиятини тубдан ўзгартариш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатор буйруқлари иш-лаб чиқилиб, аниқ чора-тадбирлар режаси белгиланганлиги фаолиятимиздаги изчилликни янада оширди. Қарор ижросини амалда татбиқ этиш учун асосан соғлом оилани шакллантириш ҳамда соғлом авлоднинг вояга етказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушуинтириш ишлари ўтказиш, баркамол авлодни ҳаётга келтириш, фертил ёшдаги аёллар, ўсимлар ва болалар соғлигини тиклаш учун бирламчи бўғин шифокорларига ёрдам бериш мақсадида республика тиббиёт тизимидаги ихтисослаштирилган

ганлигидан мамнунмиз. Шу жумладан, муассасамизга мазкур институтнинг 1-стоматология кафедраси профессори Урозмат Жуматовнинг вакил сифатида ҳолисона ёрдам кўрсатаётганлиги ҳам ишларимизни замон талаблари даражасида олиб боришга имконият туғдирмоқда. Институт ректори, профессор Жўрабой Собиров ҚВПимизнинг ташки ва ички ҳолатлари ҳамда фаолиятларимизни кўздан кечиргач, муассасани таъмирдан чиқариш, шунингдек, иш жараёнларини давр талабига олиб бориш тақлифларини киритди. Эндиликда Урозмат Жуматов доимий ҳамкоримизга айланиб, олдимизда турган муаммолар ечимини биргаликда ҳал этиш билан бирга, ходимларнинг иш фаолияти ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан тўғри ишлаш, аҳолига кўрсатилмаётган бирламчи тиббий ёрдам сифатини ошириш борасида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктимиздаги иш жараёнларига тўғраладиган бўлсам, ҳудудимиз аҳолиси кўпчиликни ташкил этади. Шу боис, врач ва ҳамшираларимиз аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини таъриб қилиш, касалликларнинг олдини олиш, мавсумий касалликлар бўйича суҳбатлар ўтказиб келишмоқда. Айтиш жо-



Оилада тиббий маданиятни юксалтириш инсон саломатлигига бўлган эътибордир.

ман. Айниқса, бунёдкорлик, ободлаштириш, кўламазорлаштириш ишлари, шунингдек, инсон ва инсон манфаатлари учун яратилмаётган шароит ва имкониятларнинг кенглиги ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ижобий ишлар амалга оширилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошди. Айтиш лозимки, давлатимиз томонидан мазкур йўналишга бўлган эътибор тўғрисида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг фаолияти учун қулайликлар яратиш ҳамда аҳолининг

тарзда олиб бораётган дарс жараёнлари касбий маҳоратимизни орттирмоқда. Шунингдек, назарий билимлар олиш билан бир қаторда амалий жараёнларда ҳам иш тирок этдик. 2007 йилда эса Рес-

Непрерывное образование

ГЛАВНОЕ: НАСЕЛЕНИЕ ДОВОЛЬНО

Махсуда МАМБЕТОВА,
заведующая
сельским врачебным
пунктом «Ковунчи»,
Янгиюльский район,
Ташкентская область:


Сельский врачебный пункт, в котором я веду свою деятельность вот уже 12 лет, построен в 1997 году. Это был первый шаг реформ, который мы ощутили. К нашему СВП прикреплено 5357 человек, из которых 1256 составляют дети до 14 лет, 295 – подростки, а остальную часть составляют взрослые. То есть вы видите, что к нам обращаются все – от мала до велика. На сегодняшний день большой процент заболеваний, наблюдающихся среди детей, принадлежит простудным заболеваниям верхних дыхательных путей, глистным инвазиям, а также острым диарейам, возникновение которых, вероятно, связано с нынешним жарким временем года. Что касается взрослых, то среди них преобладают гипертонические болезни, больные с которыми диспансеризуются. У женщин – анемия, диффузный зоб I и II степеней. Главная цель, которую мы преследуем и на которую направлена вся наша деятельность, – это сокращение риска материнской и младенческой смертности. В нашей республике, согласно Постановлению Президента № ПП-1096 «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формирование здорового поколения», ведутся широкомасштабные работы, поло-

жительный результат которых мы можем наблюдать ежедневно на практике. Сельский врачебный пункт оснащается по проекту «Здоровье-2», именно поэтому имеющаяся у нас техническая база отвечает всем стандартам. Среди поставленных аппаратов имеются автоклав, сухожаровой шкаф, пеленальные столы, которые являются очень удобным приспособлением для ребенка, шкафы для вакцины и процедурного кабинета, холодильник для хранения вакцин. Имеется портативный электрокардиограф, который настолько практичен в использовании, что не возникает особого труда переносить его и использовать на дому. Самый главный вопрос заключается в том, как обращаться с этой аппаратурой. Именно поэтому мы активно посещаем учебные циклы, подобные нынешнему. Повышение квалификации и просто профессиональных навыков проходят все, от врачей до среднего медицинского персонала. Но недостающая сторона заключается в отсутствии еще одного врача общей практики, на пару с которым мы могли бы выполнять наши функции еще быстрее.

Лариса НИЯЗОВА,
заведующая сельским
врачебным пунктом
